

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казаков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Хакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиёв, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 811.512.133

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА СЎЗШАКЛ ҲАҚИДА
О СЛОВОФОРМЕ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ
STUDY OF WORDFORM IN UZBEK LINGUISTICS

Ф.Шарипов¹, Т.Галиев²

¹Ф.Шарипов

- Гулистон давлат университети, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.,ф.,н.

²Т.Галиев

- Ижтимоий-иқтисодий факультетнинг 2-курс талабаси.

Аннотация

Мақолада назарий тафаккур билан идрокий билим ҳосил қилиниши асослаб берилган бўлиб, сўзшакл ва унинг тилдаги қўлланилиши ва нутқда ишлатилиши, унинг вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Шу жиҳатдан маъноси ҳамда товуш томони таҳлилга тортилган бўлиб, эмпирик билим назарий хулосалар учун материал бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган.

Аннотация

В статье раскрывается формирование когнитивных знаний с теоретическим мышлением, словоформа и ее применение в языке и использование в речи, наглядно показаны ее функции. Проводится анализ смысла и звукового аспекта, и утверждается, что эмпирическое знание может служить материалом для теоретических выводов.

Annotation

The article reveals the formation of cognitive knowledge with theoretical thinking, the word and its application in language and its use in speech, and clearly shows its functions. In this regard, the analysis of the meaning and the sound aspect is carried out, and it is argued that empirical knowledge can serve as a material for theoretical conclusions.

Таянч сўз ва иборалар: фонема, лексема, морфема, сўзшакл, грамматик маъно, грамматик форма, аффикс, морфология, синтаксис.

Ключевые слова и выражения: фонема, лексема, морфема, словоформа, грамматическое значение, грамматическая форма, аффикс, морфология, синтаксис.

Keywords and expressions: phoneme, lexeme, morpheme, word form, grammatical meaning, grammatical form, affix, morphology, syntax.

Ўзбек тилшунослигида сўз ёки лексема маъно ва ифода бирлигидан иборат бўлганидек, грамматик сўз ёки сўзшакл ҳам грамматик маъно ҳам грамматик ифода (шакл) бирлигидан иборатдир. Жумладан, китоб сўзи «ўқиш қуроли» тушунчасидан ташқари *от, бирлик сон, бош келишик* тушунчаларини ҳам билдиради. Бунда китоб сўзининг «ўқиш қуроли» тушунчасини ифодалашини унинг лексик маъноси саналади ва шу сўзнинг отга мансублиги, бирлик сон ва бош келишикда экани унинг грамматик маъносидир. Айнан худди шундай муаммоли ҳолатларнинг ечимини топиш мақсадида А.Фулломовнинг «Ўзбек тили морфологиясига кириш» рисоласи юзага келди [1,3-26]. Бу ўзбек тилшунослигига «Сўз ҳақидаги грамматик таълимот» мана шу рисола орқали кириб келган дейиш мумкин. Олимнинг куйидаги фикрларида кўриш мумкин: «Сўз нутқнинг энг асосий

бўлақларидандир, чунки инсонларнинг ўзаро алоқа-аралашувида, фикрлашувида энг муҳим вазифани гап ва сўз бажаради. Демак, сўз фикр баён қилишида энг асосий вазифани бажаради: фикрни гап ифода қилади, гап эса сўзлардан тузилади... Гап билан сўз бир-бири билан боғланган бўлиб, буларнинг орасида диалектик бирлик бор. Тилнинг асосий материали сўз бўлиб, у турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади». Олимнинг морфология моҳияти ҳақидаги фикри А.Нурмонов ва бошқалар томонидан 2001 йили назарий грамматика тарзида тузилган морфологияга оид китобда бошқача кўринишда берилган бўлса-да, масалан, «Морфология грекча *morfos* «шакл», *logos* «таълимот» сўзларидан олинган бўлиб, сўз шакллари ҳақидаги таълимотдир» кўринишида қайд этилган[8].

Ўзбек тилшуносларидан А.Фулломов «Сўз нутқнинг энг асосий бўлақларидандир»

деган экан, унга шу ўринда грамматик бирлик тарзида, яъни морфологик бирлик сифатида ёндашяпти. Бу фикр морфологик сўз ҳақидадир – нутқнинг қисми бўлган бирлик ҳақидадир. Демак, олим нутқий бирлик бўлган сўз билан, тил бирлиги ҳисобланувчи сўзни фарқлаб, идрок этиб унга муносабат билдирияпти. Сўзни фикр баён қилишда, нутқ жараёнида энг асосий вазифани бажаришини алоҳида таъкидлайди. Тилнинг асосий материали сўз эканлигини, у орқали турмушнинг турли томонлари, кишилиқ жамиятининг, инсоннинг турмуш тажрибалари акс этишини уқтиради. Сўз ҳақидаги фалсафий таълимотга баҳо беради, яъни гап билан сўз ўртасида бир-бири билан зич боғлиқлик борлигига ишора қилади. Олим ўз фалсафий қарашларини давом эттириб: «Ҳар бир сўзнинг икки томони бордир: ички ва ташқи. Биринчиси – сўзнинг маъноси, иккинчиси – сўзнинг товуш томони (сўзнинг маълум фонетик қонунлар асосида уюшган товушлар комплексидан ёки бир товушдан иборат бўлиши). Ҳар бир сўз шу икки томоннинг бирлигидан иборатдир. Демак, сўз - нутқнинг мустақил бўлаги, у маъно ва шаклланиш жиҳатидан бир бутунликка эгадир; сўз семантик ва грамматик бутунлиқдан иборатдир». Сўз ҳақидаги умумий таълимотнинг туб моҳияти бу фикрларда ўз ифодасини топганлиги барчага маълум. Фақат шуни жиддий таъкидлаш жоизки, келтирилаётган далиллар билан тилнинг система эканлигини, тил сатҳларининг бир-бири билан диалектик алоқада эканлигини, умумийлик-хусусийлик муносабатини, имконият-воқелик, тасодиф ва зарурият, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат муносабатларини теран очиб беради. Олим: «Сўз лексикологиянинг ҳам, грамматиканинг ҳам объектидир... лексикология сўзнинг маъносини, бу маънонинг тараққий этиш йўлларини, сўзнинг қўлланишини ва шу кабиларни текширади; грамматика эса, сўзнинг структурасини, составини - морфемаларини, сўзнинг туркумларга бўлинишини текширади. Бу икки хил текшириш бир-бири билан боғлиқдир... Морфология билан синтаксис грамматиканинг ўзаро боғланган, тенг ҳуқуқли, мустақил қисмларидир» [1,5]. Биз биламизки, ўзбек тилшунослигида ХХ

асрнинг 90-йилларидан кейин тил сатҳларининг бир-бири билан алоқадорлиги, боғланганлиги борасида бир нечта докторлик диссертациялари ёқланди, махсус тадқиқотлар олиб борилди [5,6,10]. Мазкур ишлар, А.Ғуломовнинг тил сатҳлариаро алоқадорлик, юқоридаги келтирилган категориялар муносабатлари, шакл-мазмун бирлиги ҳақидаги фикрларини тасдиқлаш доирасида бўлди. Олимнинг ўша даврда айтган фикрлари тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Буни ХХI аср бошларида яратилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» қўлланмасидаги сатҳлараро муносабатлар берилган ҳолатга [8,38] А.Ғуломовнинг ХХ асрнинг 70-йилларида яратилган «Грамматика»нинг «Морфология» қисмидаги фикрлари моҳиятан бир хил эканлигида ҳам кўриш мумкин. Бу «Грамматика»да (1975) «Морфология ва лексикология» муносабати, «Морфология ва синтаксис» муносабати, «Грамматика ва тилнинг товуш томони муносабати» каби ҳолатлар аниқ баён қилинганлигини кўрамиз. Сатҳлараро муносабат борасидаги фикрларда ҳам моҳиятан жиддий фарқ қиладиган фикрлар, қарашлар кузатилмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олимнинг қарашлари ўша тадқиқотчилар учун назарий манба бўлиб хизмат қилди. Бу А.Ғуломовнинг мақоласида ўз аксини топган [2].

Олим 50-йиллардаёқ синтаксис ва морфология муносабатлари бўйича қарашларга ўзининг қуйидагича жиддий жавобини беради: «Академик Н.Р.Марр ва унинг тарафдорлари синтаксисни морфологиядан устун санаб, «синтаксис-грамматиканинг етакчи қисми» деган. Тилнинг ҳар бир ҳодисасини синтаксис билан ўлчашни талаб қилганлар, ҳатто, морфологияни тамоман йўқотмоқчи бўлганлар (унинг сўз ясалиши баҳсини лексикага, сўз ўзгариши баҳсини синтаксисга киритмоқчи бўлганлар). Бу «таълимот»нинг тамоман янглиш эканлиги кейинчалик ўз исботини топган». Олим ана шу ўринда морфологиянинг текшириш объектини аниқ белгилаб берган: «Морфология сўзларнинг нутқда ўзгариш қоидаларини белгилайди. Морфологияда сўзнинг тузилиши, сўз формасининг ясалиши текширилади; шунингдек,

морфология сўзларнинг маълум белгилар асосида группаларга-туркумларга бўлинишини ҳам текширади. Морфология грамматиканинг бир қисмидир» (4-бет). XXI асрнинг бошларида яратилган, «янги қарашлар асосида тузилган» деб тан олинган ишларда ҳам морфология борасида А.Фуломов айтган фикрлар доирасидаги, унинг қарашларига моҳиятан тенг келувчи қайдларни кузатамиз: «Морфологиянинг объекти сўз ўзгариши билан боғлиқ, яъни морфологик структурасидир. Сўзнинг морфологик структураси - грамматик морфема, грамматик морфема системаси - морфологик категория, сўзнинг ўзгариш асосидаги системаси..., сўзшаклнинг ҳосил бўлиш йўл ва усуллари, воситалари, бу воситаларнинг турларидир» [9]. Морфология ва синтаксиснинг муносабати борасида ҳам, юқорида қайд этилган янги қўлланмада А.Фуломов қарашларини тасдиқловчи фикрлар баён қилинганлиги кузатилади.

Олимнинг рисоласида сўз борасидаги қарашларини давом эттириб [1], сўзнинг структура жиҳатдан туб ва ясама, кўпгина сўзларнинг икки ва ундан ортиқ морфемадан иборат, сўзнинг ўзаги асосий морфема бўлишини таъкидлайди. Шунингдек, ясама сўзлар ва сўзнинг формалари ўзакка (олим бу ўринда «сўз ясовчи асос» ва «шакл яшаш асоси» маъноларида ҳам ўзак терминини қўллаган) маълум тартибда, изчиллик билан аффикслар кўшиш орқали ҳосил қилинишини, бунда ўзак кўпинча ўзгармаслигини қайд этади-ки, унинг бу қарашлари, ҳозирги кунда ҳам, морфологик сўз ҳақидаги таълимотнинг асосини ташкил этади. Олимнинг «ўзбек тили агглютинатив тиллар қаторига кирса ҳам, унда қўшимча қўшилганда ўзакнинг ўзгариш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай вақтда сўзнинг ўзак ва аффиксга ажралиши одатдагидан қийинлашади, бошқачароқ бўлади» тарзида фикрини далиллаш **сесканмоқ** феъли таҳлили орқали асосланиши, ўзбек тилшунослигида соддалашиш ҳодисаси ҳақидаги концепциянинг вужудга келишини таъминлади. Шуни айтиш керакки, А.Фуломов «Ўзбек тили морфологиясига кириш» рисоласини 1953 йили яратган бўлса ҳам, шу асрнинг 70-йилларида ўзбек тилининг илмий грамматикаси тузилиб, унинг «Морфологияга кириш» қисми ҳам шу

олим томонидан ёзилган бўлиб, айтиш мумкинки, мундарижаси тамомила бошқача тузилган. Демокчимизки, аввалги «Морфологияга кириш» ҳар жиҳатдан тўлдирилган, янгича қарашларни илгари сурган. Буни «Грамматика»да «Морфология – сўз ҳақидаги грамматик таълимот» деган фикрга алоҳида эътибор қаратганлигининг ўзидан ҳам кўриш мумкин [8,58]. Мана шу «Грамматика»да «Тилнинг грамматик қурилиши ва товуш томонининг муносабати», «Тилнинг грамматик қурилиши ва луғат состави», «Морфология ва лексикология» бўлимлари қайд этилган, ана шу сатҳлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, морфология ва синтаксис ҳамда алоҳида ажратилган сўз ясалиши муносабатлари масаласига кенг ўрин ажратилган. Бундан ташқари, «грамматик категориялар», «сўз формалари», парадигматика, лексикализация, грамматикализация тушунчалари моҳияти асосли тарзда очиб берилган. «Сўзнинг морфологик структураси» қисмида «Сўз ва морфема», «Ўзак ва сўз», «Ўзак ва негиз», «Ўзак ва аффикс» муносабатлари», «Ўзак ва аффиксларнинг фонетик структураси», «Ҳозирги ўзак ва тарихий ўзак» масаласи ва муносабатлари, «Эркин ва боғлиқ ўзак» масаласи, аффиксларнинг келиб чиқиши, таснифланиши: префикслар, аффиксоидлар; сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар, содда ва қўшма, унумли ва унумсиз, регуляр ва нерегуляр, омоним, антоним ва синоним аффикслар, уларнинг ўрни, моҳияти, ички хусусиятлари, аффикслар оранжеровкаси, сўзнинг морфологик таркибидаги ўзгаришлар борасида, ҳар бири бўйича алоҳида тадқиқотлар қилиниши муҳим вазифа эканлигини назарда тутиб, улар билан боғлиқ назарий масалаларни муаммо сифатида қўяди ва бу борадаги ўз қарашларини баён қилади (ҳозирги кунга келиб, айтилган ҳодисаларнинг ҳар бири бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари доирасида тадқиқотлар амалга оширилган: М.Жўрабоева «Аффиксал омонимия», Ё.Тожиев «Аффиксал синонимия», А.Бердиалиев ҳамда Т.Мирзақуловларнинг қўшма аффикслар борасида номзодлик ва докторлик ишлари, морфологик ўзгаришлар бўйича А.Абдуазизов ва А.Нурмоновларнинг

монографик тадқиқотлари А.Фуломов қарашларининг асосли эканлигини ана шу ишлардаги хулосалар тўла тасдиқлайди. Бироқ таъкидлаш жоизки, давр ҳар бир жараёнга ўз таъсирини кўрсатади, шунингдек, илмга ҳам: у ривожланади, қарашлар, ёндашувлар ўзгаради.

Жумладан, XXI асрнинг бошларига келиб, олдинроқ ва сал кейинроқ амалга оширилган ишларга танқидий кўз билан қараш бошланиб, ҳатто кучайиб кетганлигини, аввалги ишларда гўё лисон ва нутқ фарқланмай, тилга система сифатида қарамай, ёки тилнинг системалар системаси эканлигини идрок этмай таҳлиллар олиб борилганлигини қайта-қайта таъкидлаш одат тусига кирганлигини кузатамиз. Бу ҳолатнинг олдини олишни назарда тутиб баъзи ишлар амалга оширилди [4,1-19;11,30–37;7,50-54]. Бу борада академик А.Ҳожиевнинг куйидаги фикрини келтириш ўринли деб ўйладик: «...Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида талабга жавоб бермайдиган, ҳатто ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ вазифаларни тўғри йўлга қўйишга, амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ишлар ҳам юзага келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди» [3,4]. Худди шу фикрни тасдиқлашга мўлжаллангандек проф.Ё.Тожиев айрим ишларда янгилик сифатида қайд этилган хулосалардан кўпчилиги тилшунослиқда айтиб бўлинган, ҳал этилган ҳолатлар эканлигини куйиниб гапирди. Бошқа ишда: «Бугунги кунгача ўзбек тили лексемалари флектив тиллар лексемалари қонуниятлари асосида ўрганилиб келинди. Бироқ флектив тиллар ҳодисаларидан фарқли ўларок, ўзбек тили лексемалари мустақил қўлланиш, маъно англатиш хоссасига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ўзбек тили лексемалари талқинида унга мустақил қўлланиш хоссасига эга бўлмаган морфемалардан фарқлаб ёндашиш мақсадга мувофиқдир» [5]. Бу фикр умуман ўзбек тилшуносларига тухмат» [11,34]. Ёки шу мақолада «Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифат ясовчи маҳсулдор аффикслар» мавзусидаги номзодлик учун ёзилган диссертация автореферати хулосасидан битта банд келтириб, унга муносабат баён этилган. «Аффиксация усули билан сифат ясаши ҳозирги ўзбек адабий тилида сифат ясашининг энг маҳсулдор

усулдир» (Т., 1994, 16-бет). Бунга муносабат билдирган мақола муаллифи: «Ахир, бу гаплар ҳозирги тилшунослик учун ўта кулгили эмасми? Бу фикрлар қанча ишларда айтилиб, асосланиб бўлинган эмасми?» деган фикрни билдиради [11,35]. Бу тарздаги эътирозли мақолалар анчагина ёзилди. Уларда йирик олимлар: С.Усмонов, А.Фуломов, Ф.Абдуллаев, А.Кононов, В.Решетов, М.Миртожиев, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова каби жаҳон тилшунослиги ютуқларидан хабардор, яъни ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этаётган, ўзбек тили тизимларининг ўзига хос жиҳатларини, муаммоларини чуқур ўрганиб, ўз фикрларини илгари сурган кишиларга ҳурмат билан қараш лозимлиги таъкидланганлиги кузатилади. Бироқ, афсуски, бундай ҳол ҳозир ҳам давом этяпти. Жумладан, А.Фуломовнинг морфология, морфемика, морфонология, сўз ясаши борасидаги мулоҳазаларига нисбатан, бу қарашлар моҳиятини аниқ идрок этмасдан туриб, яна бир ёқлама муносабатда бўлиш, ҳодиса моҳияти борасидаги асосли фикрларини, тушунмасдан туриб инкор этиш ҳоллари кузатиляпти. «Морфеманинг турлари, ҳар бир турининг моҳияти ва шу кабилар ҳақидаги фикрлар, тушунтиришлар ҳам бирон-бир тил ҳодисаси, унинг морфема деб аталиши мумкин бўлган тил бирлигига оидлиги ҳақида тўғри ва аниқ бир тасаввур бермайди. Эътибор беринг: «Кўпгина сўзлар икки ёки ундан ортиқ морфемадан иборат бўлади (морфема - сўзнинг маъноли элементлари): *тер-им-чи-лар-имиз, сўз-ла-и-тир-ил-ди* каби. Сўзнинг ўзаги асосий морфема саналади» [3,27]. А.Фуломовдан келтирган фикрининг ўзида ҳамма нарса аниқ-равшан, моҳият ўз ифодасини тўла топган: а) ҳақиқатан ҳам, жуда кўп сўзлар икки ва ундан ортиқ морфемалардан иборат; б) морфема - сўзнинг маъноли элементлари; в) сўзнинг ўзаги асосий морфема саналади. Бу мулоҳазаларнинг қайси бири тушунарли эмас?

Ўзак морфема, албатта, сўзнинг морфем таркибида ажратилиб, аффиксга нисбатан белгиланса-да, алоҳида олинган лексемага тенглаштирилса, бу мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, аффикс морфема билан ўзак морфема бир-биридан

моҳиятига кўра фарқланмаса, улар бир хил баҳоланса, алоҳида ажратилиб номланмаса, алоҳида сўз мақомидаги бирликлар, албатта, вазифасига кўра морфемага ўхшаб кетса, уларни ҳам морфема қаторига қўшиб юборилса, ўзак морфема негиз билан тенглаштириб қўйилса, ўзбек тилшунослигининг бир бўлимига бўлган эътиборсизлик ҳисобланади.

А.Фуломов ўзбек тилидаги кичрайтириш – эркалаш шаклларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Унинг рус тилида ёзилган «О некоторых особенностях аффиксов с уменьшительно-ласкательным значением в узбекском языке» мақоласи бунинг исботидир [12]. Мақолада баён қилинган олимнинг қарашлари ҳақида фикр айтмоқчи бўлсак, унинг XXI аср бошларида яратилган «Замонавий ўзбек тили, Морфология» (2007) қўлланмасида берилган «Шахсий муносабат категорияси» сарлавҳасидаги ва ундан кейинги «Шахсий муносабат категорияси тадқиқи тарихидан», «Шахсий муносабат категорияси шакли. Кичрайтириш шакли», «Эркалаш шакли»,

«Шахсий муносабат шакли парадигматикаси» сарлавҳалари остида қайд этилган тадқиқотларнинг мазмун-мундарижага қиёсан ёндашиб кўриш маъқул. Олим кичрайтириш-эркалаш шакллари тарзида қайд этган ҳодиса ҳозирги кунда ҳам унинг қарашлари доирасида ўзбек тилшунослигида исботини топмоқда. Фақат бир нарсани таъкидлаш лозим бўлади: А.Фуломов ўзбек тилидаги кичрайтириш-эркалаш шаклларига субъектив баҳо шакллари тарзида ёндашган бўлиб, шу тилдаги барча воситаларни, уларнинг вариантларини ҳам кўзда тутган ҳолда имкон доирасида кенг изоҳлашга, уларга хос хусусиятларни мумкин қадар тўла очиб беришга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Ўзбек тилида шахсий муносабат категорияси мавжуд эканлигини тан олган, категорияни шакллантирувчи воситаларни тўғри белгилаган, ифодаланишидаги мураккаб ҳолатларни пайқаб, ҳар бир воситанинг қўлланиш имкониятлари бўйича ўз қарашларини баён қилган.

Адабиётлар:

1. Фуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. –Т.: Фан, 1953.
2. Фуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари (А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари). – Т.: ЎзФАН, 1949. -№1.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Т.: ЎТА, 2004.
5. Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Фил. фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2002.
6. Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида): Фил. фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2006.
7. Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи. – Т.: ЎТА, 2008. -№6.
8. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Фан, 1975.
9. Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили. –Т.: Фан ва технология, 2007.
10. Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Фил. фан. докт. дисс. автореф. – Т., 2001.
11. Тожиёв Ё. Ҳозирги ўзбек тилшунослигига бир назар. – Т.: ЎТА, 2008, №2.
12. Научные труды. –Т., 1964. -№ 268.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)